

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
15 август

ЧОРШАНБА

№ 65 (13118)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълимнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан,

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик

ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли иходий ва таълим тўғрақлари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлоднинг ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий

муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Қайд этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидаги устувор йўналишларни назарда тутиб, Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича ком-

плекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

юсак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидоий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш;

ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш; ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

ўқувчи-ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

Давоми 2-бетда ➡

Бир жиноят шарҳи

Мавлоно Жалолiddин Румий ҳазратлари "Ақлим ҳар кун тавба қилар, нафсим ҳар кун тавбамни бузар. Иккинсинг ўртасида қолган бир бечораман..." деган эканлар. Чиндан ҳам, инсон ҳаётининг қандай кечиши кўп жиҳатдан ақл ва нафс ўртасидаги курашга боғлиқ. Ақл инсонни тўғри йўлга бошлаб турса, нафс уни шайтоний мақомга туширишга ҳаракат қилади. Шу иккиси ўртасидаги бахс-тортишув тўғрисида инсон бу дунё синовидан ўтади. Ақл нафсдан устун келиб, унинг ҳавойи орзу-истаги ва хоҳишларини жилаб тургандагина инсон ҳаётининг мазмун ва барака толиб бораверади...

НОШУД ҲАМТОВОҚЛАР

Афсуски, баъзан айрим инсонлар нафсининг дастёрига айланиб, у нима буюрса, шуни сўзсиз бажаради. Ножоиш йўл тўтиб, разолат ва қабохат ботқоқига ботди. Қўлимиздаги суд ишига доир ҳужжатлар билан таниша турди, мана шу фикрлар ҳаёлимиздан ўтди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган айбланувчилар илгари ҳам жиноятга қўл уришган, лекин ўз хатосидан тўғри хулоса чиқармай, тирикчилиқни ва жазо қилиб, қайта нафс ботқоқига ботганликларидан қаттиқ таажжубландик...

Танишинг – Ойбек Ғозиев 34 ёшда. У 2013 йилда жиноят кодексининг 223-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этган. Аниқроқ айтганда, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда чет элга чиққан. Ақилбек Мирзаев эса 40 ёшга тўлган. У муқаддам икки марта судланган экан. У ҳам қонунга хилоф равишда четга чиқиб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини олган. 2017 йилда эса, Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг ажрими билан ўталмай қолган 1 йилу 3 ой, 28 кун ахлоқ тўзатиш ишларидан жиноят кодексининг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган.

Нега бу ҳақда алоҳида тўхталаямиз? Одатда, шундай бўладики, айрим судланувчилар афсус ва пушаймонларини суд мажлисларида шундай тўкиб соладики, орадан кўп вақт ўтмай, ўша тавба тазарулар унутилади. Нега?

Келинг, саволга мазкур жиноят иши мисолида жавоб излашга ҳаракат қилайлик.

Ақилбек Мирзаев илк марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ пайтида Ойбек Ғозиев билан танишгани учун бир кун келиб қаттиқ панд еб қолишини ўйламаган бўлса керак.

Давоми 4-бетда ➡

СУД РАИСЛАРИ АХБОРОТ БЕРДИ

Яқинда вилоят жиноят ишлари, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари раислари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди. Унда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати ҳамда жорий йил биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Брифинг



Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, ҳазрат Алишер Навоий – бу уч улуг зотни нима ёки қандай омиллар боғлаб туради? Некбин дўстларимиз дарров хотирни титкилаб, уларнинг эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлидаги бекиёс хизматлари, бебаҳо илмий-адабий меросини қиёсланиш бошлаб юбордилар, эҳтимол. Қоши эди, гап фақат шундан иборат эса-ю, қуйида ишро этмоққа тараддулланаётганимиз – кўз ўнгимизда юз бераётган жаҳолат, маҳдудлик воқеъ бўлмаса эди...

Хуллас, сиз минг ўйланманг, бари бефойда – биз айтмоқчи бўлган омилларни топа олмайсиз. Гап шун-

даки, тафаккур дарғалари, жаҳон тан олган илм-фан ва маданият арбоблари бўлмиш бу уч зотни шу кунларда чаккон сотилаётган дафтар ва унга ишро этилмиш маълумотлар боғлаб туради. Тасаввур қилинг, оддий дафтар. Қўлга олсиз, у ёқ-бу ёқига қарайсиз. Шунда...

Суратда Абу Райхон Беруний, исму шариф ёзилган дафтарда Абу Али ибн Сино, таваллуд ва вафот этган сана кўрсатиладиган жойда Ҳазрат Навоийнинг умр ҳисоби – 1441-1501...

Бу ҳолатга маданиятли тил билан изох, шарҳ ёзиб бўлмайдик!

«Мактаб бозори»даги хиргойи:

НАРХИ ҚАНЧА ИНСОФНИ, АЙТИНГ...

... ҳаммасини сотиб оламиз

Қадриятлар бозорга солинса...

Айни кунлар, мактаб бозорлари – "сезон" авжида. Садаганг кетай, ота-оналар ҳам арзонлаштирилган бундай савдо расталарини оралаб, энг аввало, фарзанди аржуманди учун қозғоз-қалам, дафтар-китоб харид қилишга шошади. Расталарда ҳар дафтарлар борки, уни кўрган оталар ва болалар гоҳо зиддиятга ҳам бориб қолади. Болакай замонавий медицина маҳсулотлар "қаҳрамонлари" ("Зорро", "Ўргимчак одам", "Миша" лақабли айқ ва ҳ.к.) тасвири бўлган дафтарларга ошиқса, ота эса жиддий билан давлат рамзлари, мўтабар даргоҳлар, улуг зотлар сурати акс этган ўқув қуролларига мойилдек.

Бу ҳолатда икки тараф ҳам

ўзича ҳақ – вазият бандаси. Аммо, қонун ва ҳаёт ҳақиқати шуки, бозорга солинган бу маҳсулотлар аслида ҳар жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Биз буни контрафакт, яъни, истёмолад маданияти ва белгиланган ҳуқуқий меъёрларга тўғри келмайдиган маҳсулот, деймиз.

Хўш, қаққон "тадбиркор"ларимиз ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифати, зарари, умуман, бу иш ноқонуний эканлигини билладиларми? Шуниси аёнки, маҳсулот сифати, унинг болалар соғлиги ва маънавиятига таъсири уларни мутлақо қизиқтирмайди. Улар "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида", "Истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Давлат рамзлари тўғрисида"ги Қонунларни сурбетларча бузиб келаётгани

кимдир қизиқтираётганими?

Бу каби ҳолатларни ўрганиш мақсадида Зангиота туманида жойлашган "Илм шуъласи" масъулияти чекланган жамиятининг савдо расталарида ўрганиш ўтказилди. Халқ тилида "Солнечный" номи билан танилган ўшбу мактаб бозорига кирар эканмиз, энг аввало, бу ерда тозалик ва санитария ҳолати аянчиқ аҳволда эканлиги гувоҳ бўлди.

Расталардаги ўқув қуролларини кўздан кечириш асносида кўпгина дафтар, журнал ва рангли қозғозларнинг контрафакт маҳсулот эканлигини дарров пайқадик. Улардаги ҳар хил беҳаё суратлар, мантисиз жумлалар, рақамлар, белгиларни қўриб, танг қолиб турганимизда, нарироқда бир шов-воз ўқув қуролларининг пешонасига давлатимиз рамзларини

Вилоят ҳокими янги ўринбосар тайинланди

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ишлаб келган Одилжон Таджиев вилоят ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Одилжон Таджиев 1984 йил 11 сентябрда туғилган. 2006 йилда Тошкент ислом университетини тамомлаган. Мутахассислиги ҳуқуқшунос.



Давоми 3-бетда ➡



нақш этиб пуллаётгани, бозорга солгани таажжуб уйғотади кишида. Қараймиз – бу сифатсиз, соғлиққа ҳам, ақлга ҳам зарар келтирадиган маҳсулотларнинг бирортасида ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумот йўқ.

Тўтқич бермас дафтарбозлар

Раста охири – 8-қатордамиз. Ўзини Матлуба Ҳожибоева деб таништирган аёлда мана шундай камчиликлар кузатилганлиги учун "Контрафакт маҳсулотларни сотиш тақиқланганлигини биласизми?" дея сўраганимизда, бу ҳақида эшитмагани, товар олаётганда маҳсулотнинг сифати эмас, нархига кўпроқ аҳамият беришини айтди. Сифатсиз маҳсулот арзон бўлади-да. Бундан ташқари, унинг на ижара шартномаси, на сотиш ҳуқуқи бор. Сал нарироқдаги растага юзландик. Бу ердаги маҳсулотларнинг ҳам ак-

сариятида ишлаб чиқариш манзили кўрсатилмаган, сифатсиз ҳамда мантисиз расмлар туширилган дафтар ва журналлар мавжуд. Бу растанинг эгаси Гулҳаё Биботова экан. Ундан ҳам ҳужжатларини тақдим қилишини сўраганимизда, секингина: "Бу ерда мен ишчиман, ҳўжайнларим ҳали келгани йўқ", дея баҳона қилишга ўтди. Яна озроқ юриб, 13-дўкан олдида тўхтадик. Дўкан эгаси Бобур Нуриддинов растасида ҳам худди шу ҳолат. Шунингдек, бу ердаги қўндаликка туширилган расм диққатимизни тортиди. Унда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг сурати мустақиллик майдонидаги "Эзулик аркаси"нинг устида тасвирланган. Нима маъно ясамоқчи бўлишган – ҳайронмиз. Ундан ҳам ҳужжатларини тақдим қилишини сўраганимизда, эшитган жавобимиз шу бўлди: "Бозорқум олиб кетган..."

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши (А. Н. Арипов): вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этсин, уларнинг самарали ишлашини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин; таълим-тарбия соҳасида қонун бузилиши ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш, жойларда ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин.

3. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари:

а) 2018 йил 1 сентябрдан: бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,1 баравагарга; юқори синф ўқитувчилари учун ўртача 1,24 баравагарга;

директор, унинг ўринбосарлари ва ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудири ва кутубхоначилари учун 1,1 баравагарга оширилсин.

б) 2019 йил 1 январдан: олий тоифали ўқитувчилар учун 1,25 баравагарга;

биринчи тоифали ўқитувчилар учун 1,2 баравагарга;

иккинчи тоифали ўқитувчилар учун 1,15 баравагарга;

мутахассис ўқитувчилар учун 1,1 баравагарга;

директор, унинг ўринбосарлари, ахборот-ресурс маркази (кутубхона) мудири ва кутубхоначилари учун 1,1 баравагарга оширилсин.

4. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида, улардаги ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб психолог штат бирлиги қуйидагича белгилансин:

250 нафаргача – 1 штат бирлигида;

250 нафардан 800 нафаргача – 1,5 штат бирлигида;

800 нафардан 1600 нафаргача – 2 штат бирлигида;

1600 нафардан 3000 нафаргача – 2,5 штат бирлигида;

3000 нафар ва ундан ортиқ – 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотли психологлар учун базавий тариф ставкалар 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 баравагарга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда ўқувчиларни психолог-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғрақ машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик

юктамалар бўйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган педагог кадрларини фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой муддатда:

худудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзшаҳарқурилишнинг" ва "Қишлоққурилишнинг" инжиниринг компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган арзон уй-жойларнинг бир қисmini халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида дастлабки бадалли 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, "Хар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдорида кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидаги ходимлар учун

ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмол кредитлари беришни молиялаштириш бўйича махсус жамғармини ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қўйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин:

кредитни бериш муддати – 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил муддатга;

дастлабки бадал суммаси – сотиб олинган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;

кредит учун фоиз ставкаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда.

"Ўзавтосаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни voyага етказишда фидокорона меҳнат қилаётган, ёшларни ватанпарварлик юзларига сadoқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018-2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий маъқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи "Ўқитувчи ва мураббийлар хйёонлари"ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда "Ўқитувчи ва мураббийлар хйёонлари"нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари,

шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аъло билими, намунали хулқи ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медаллари таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

олтин медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралик, якуний назоратлари, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

кумуш медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаходатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аъло баҳоларга ўқитганлиги, намунали хулқ-атвори ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва кумуш медал билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шериклигининг жорий этилиши борасида мавжуд аҳолини ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда ўрганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасаруфидо олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идора, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муддатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингига 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филиал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмадан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ҳамда аниқ таклифлар киритсин.

16. Қуйидагилар тақиқлансин:

халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда қўқаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган

ийгилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги, унинг худудий тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта қўриб чиқиш ва шатлар сонини мақбуллаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илғор услубларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таълим ўқув режасини қайта қўриб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар бўйича дарс соатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан таклиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А. А. Абдувахитов ва Қ. К. Куранбаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдухалимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 август

Бошланғич 1-бетда

Президентимизнинг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, вилоят судларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан ҳар чоракда судлар фаолияти тўғрисида

ноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Дилшод Тожибоев. – Шу боис, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида жиноят ишлари бўйича вилоят ҳамда туман (шаҳар) судлари томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга

дан одам ўлдириш, транспорт воситаларини олиб қочиш, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлар сони камайган. Жиноят оқибатида етказилган 10 миллиард сўмга яқин моддий зарарни қоплаган 173 нафар шахсга

обод шахрида 4 тага ошган. 1 минг 174 та ёки ноябр ойларида 44 фоизи сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилган.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни барта-

12 минг 769 та фуқаролик иши қўриб чиқилди. Уларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 минг 615 тага камайгани кузатилди.

Маъмурий судлар томонидан 718 та маъмурий иш қўрилган, шундан 372 таси қаноатлантирилган, 206 таси рад қилинган, 77 таси иш юритувдан олинган, 63 таси қўрмасдан қолдирилган.

Жорий йилнинг ўтган орти охи давомида қўриб, тамомланган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича 4 минг 719 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган. 1 минг 611 та иш бўйича 1 минг 870 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган ишлар ҳаракатдан тугатилган. Маъмурий жазо қўлланилган 4 минг 779 нафар шахсдан 3 минг 212 нафарига жарима, 1 минг 228 нафарига махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, 18 нафарига маъмурий депортация, 310 нафарига қўшимча жазолар берилган.

Иқтисодий судлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат тузилмаларининг ноқонуний аралашувини янада чеклаш бўйича қонуний чораларни қўриш, одил судлов сифатини ошириш йўли ишлар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш борасида амалий ҳаракатлар қўйилди. Вилоят иқтисодий суди ва туманлараро иқтисодий судларга жами 20 минг 117 та мурожаат ва даъво аризалари келиб тушган бўлиб, шундан 19 минг 228 таси мазмунан қўриб чиқилган, 15 минг 887 таси қаноатлантирилган, 1 минг 543 мурожаат рад қилинган, 1 минг 633 та даъво қўрмасдан қолдирилган, 165 та ариза бўйича иш юритиш тугатилган. Низоли ишларнинг 11 минг 316 таси ёки 58,8 фоизи сайёр суд мажлисларида қўрилган.

Халқ этилган ишлар бўйича 580 млрд. 835 млн. сўмдан кўпроқ қарз ва етказилган моддий зарарларни даъвогарлар фойдасига ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган эътиборлидир.

Вилоят судлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Агар огоҳ сен...

Зангиота туманидаги ҳарбий қисмлардан бирида одам савдосига қарши кураш мавзусида мулоқот ташкил этилди. Унда Тошкент ҳарбий прокуратураси мутахассислари, Давлат хавфсизлик хизмати махсус бўлими ходимлари ҳамда аскарлар иштирок этишди.

АСР ИЛАТИ

Семинарда сўз олганлар бугунги кунда юртимизда одам савдосидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этаётгани, шу боисдан мазкур иллатга қарши курашиш ҳар доимидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз сийосатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилди. Турли ноқонуний йўллар билан четга чиқиб кетган замондошларимизнинг аянчли тақдирдан мисоллар келтирилди.

Тадбир якунида мавзуга доир ҳужжатли фильм намойиш этилди.

А. АХМЕДОВ,
ҳарбий қисм бошланғич ташкилоти етакчиси

СУД РАИСЛАРИ АХБОРОТ БЕРДИ



жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида брифинглар ўтказиш аънанаси юзга келганидан хабардорсиз.

– Бундай анжуман вилоятимизда биринчи марта ўтказилмоқда, – деди Жи-

ошириб келинган фаолият юзасидан ахборот бериб ўтмоқчиман.

Қайд этилганидек, вилоят бўйича фирибгарлик, порахўрлик, ўзгалар мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, босқинчилик, талончилик, ўрилик, қасд-

нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар таъинланган. Яна 274 нафар шахс суд залидан озод қилинган.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятлар Юқори Чирчиқ туманида 6 та, Бек-

раф этиш борасида 1 минг 780 та хусусий ажрим чиқарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан ҳам ўтган даврда одил судловни амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Судлар томонидан

Бошланғич 1-бетда

Ҳўш, бозорқўм нима дейди?

Тушунмадик, бу ердаги сотувчиларга ҳеч қандай ҳужжатсиз, ҳуқуқ ва шартномасиз савдо қилишга рухсат борми? Контрафакт маҳсулотларга бозор мутасаддилари ҳам жавоб беришадими-йўқми?

Бу саволларга бозор маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Руслан Пўлатов куйидагича жавоб берди:

– Бозоримиз ҳудудда ҳужжатсиз

давлат герби тўғрисида”ги Қонунида “Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас”, деб ёзиб қўйилган.

– Бундан хабарим бор, – дейди “Arena International” МЧЖ раҳбари Улугбек Нурматов. – Ишонасизми,

фатсиз. Қўғозлари юпқа, салга йиртилиб кетади. Кейин хирами-ей, қандайдир хидиям бор. Соғлиққаям зарар-ку бу, тўғрими? Шунинг учун ҳар мавсумда эринмасдан ўзим келиб, фарзандларим, невараларим-га қиммат бўлсам, яхшисидан олиб кетаман.

– Биласизми, дафтар юзидаги ҳар хил бемаза, беҳаё расмларни кўрсам, асабим бузилади, – дейди ўзини Шохид деб таништирган аёл. – Бир кун кичкина қизим турк сериалларидаги актёрлар сурати туширилган дафтар сотиб олибди.

соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайдиган меъёрларга жиддий эътибор берилади. Бозорда урчиётган ностандарт маҳсулотларнинг сифати бу кўрсаткичлардан анча паст. Шунинг учун уларнинг маҳсулоти арзон. Бунинг оқибатида қонуний фаолият олиб бораётган матбаа корхоналари ва савдо шахобчалари иқтисодий зарар кўраётгани ҳам сир эмас...



лан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шугулланганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансabdор шахсларга эса, ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима белгиланган. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Ўзбекистон Республикаси “Жинойят кодекс”нинг 190-моддаси 2-қисми “а” ва “в” бандларига кўра, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш жуда кўп миқдорда ва бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Айтиш керакки, бугун тадбиркорлик – давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз тадбиркорларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Уларнинг фаолиятига аралаштиш, турли текширувлар ўтказиш тақиқланган. Аммо бу ишонч, имконият ва имтиёзларни суиистеъмол қилиб, амалдаги қонунларни обёксти қилиш мумкин дегани эмас-ку!

«Мактаб бозори»даги хиргойи:**НАРХИ ҚАНЧА инсофни, АЙТИНГ...****... ҳаммасини сотиб оламиз**

савдо қилиш умуман мумкин эмас. Тўғри, айрим сотувчиларда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Лекин биз уларни оғохлантирганмиз. Эртагаёқ улар билан ижара шартнома тузиб қўямиз. Контрафакт маҳсулотларга келадиган бўлсак, уларни, очиги, биз назоратга ололмаيمиз. Чунки одамлар товарларини шахсий машиналарида олиб келади. Мабодо, сотувда шунақа маҳсулотларга кўзимиз тушса, тегишли жойларга, албатта, муҳожаат қиламиз.

Бизга бундай жавоб берган мутасадди бирор марта тегишли жойга муҳожаат қилганимкин? Ахир, бундай ностандарт ўқув қуроллари деярли ҳар битта дўконда бор-ку...

“Солнечный”нинг ўзидан бир эмас, икки эмас, нақ 14 та растага кўз югуртирдик. Ҳаммасида ўша гап. Улар орасида аксарият маҳсулотини ўзи ишлаб чиқариб сотувга чиқарадиган “Arena International” хусусий корхонаси раҳбари билан ҳам суҳбатда бўлдик. Унинг дўконда контрафакт маҳсулотлар деярли йўқ, бироқ давлат герби туширилган дафтар ва журналлар талайгина. Шу ўринда айтиш керакки, “Ўзбекистон Республикаси

мактабларнинг ўзи бизга шундай талаб қўяпти. Улар асосан, гербли маҳсулотларга буюртма бераёпти. Биз нима қилайлик? Бу – бозор иқтисоди.

Истеъмолчини нима қизиқтиради?

Суҳбатимизга анча пайт четдан кузатиб турган бир нечта аёллар қўшилишди.

– Йигирма икки йилдан бери ўқитувчилик қиламан, – дейди Дилором Файзиева. – Гербли дафтарларни мактаблар нима учун талаб қилиши мумкин, очиги, бу гапга ту-

Танбех бердим. Аммо бу орқа-ли ишлаб чиқараётганлар оммавий маданиятни тарғиб қилаётганликларини билшмасмикин. Шу жиҳатларигаам эътибор қаратишса, яхши бўларди...

Зарари бўлса борки, фойдаси йўқ...

– Контрафакт маҳсулотлар нафақат ёшларимиз маънавиятига, балки, уларнинг соғлиғига ҳам жиддий таъсир кўрсатади, – дейди “Munis Design Group” масъулияти чекланган жамият босмахонаси директори Муҳиддин Ҳақимов. – Масалан, сифатсиз қоғозга термулб турган боланинг кўзи тез толиқади. Секунда таъсир кўрсатиб, кўриш қобилияти пасаяди. Бундан ташқари, мойиллиги бўлган болаларда аллергия кўзгаши ҳам мумкин. Шунингдек, дафтарларда ишлатилаётган бўёқларнинг сифати ҳам кўп ҳолларда стандартларга жавоб бермайди.

– Аслида, ёзув дафтарлари давлат стандартига мувофиқ, метр-квадрати 70-80 грамм бўлган офсет қоғозларидан тайёрланиши керак, – дейди “Ўқитувчи” нашриётининг директорининг биринчи ўринбосари Фарход Фозилов. – Оқлик даражаси эса 84 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Расм қоғозлариники эса бундан ҳам юқори бўлади. Шунингдек, ранглардан ҳам фойдаланишда боланинг кўзини зарарламайдиган, унинг

**Ҳуқуқ ва бурч**

Қонунда контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сотиш билан шугулланганлар учун жазо муқаррар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 165-моддасига кўра, лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият би-

Дарвоқе, биз бошқа ҳудудлар – Қибрай, Янгийўл, Чиноз, Бўстонлик, Паркент ва Чирчиққа ҳам бордик. Кўрдик. Ўргандик. Аммо уларда ҳам вазият бир хиллиги учун тўхталиб ўтирмадик. Чунки “Илм шуъласи” нафақат вилоятимиз туманлари, балки республикамизнинг қўлпаёқ вилоятларини ҳам ўқув қуроллари билан таъминлагандан кейин...

Ўнда айтганда, бу ҳолатда илм шуъласи эмас, жаҳолат зулмати тобора кенгроқ ёйилиб бормаяптими?.. Сиз нима дейсиз?

Эрли НОРЕКОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Илхом ХАЛИЛОВ,
Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси қошдаги “Наврўз” нашриёти директори

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ**доимий синов назоратида**

Миллий матбуот марказида “Ўзстандарт” агентлиги қошидаги республика синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси”нинг мониторинг режаси ишлаб чиқилган. Шунга кўра, аҳоли муҳожаатларини инобатга олиб, бир қанча бозорлардаги савдо шахобчалари ва йирик савдо тармоқларидан назорат харидлари амалга оширилди.

Хусусан, уч гуруҳга мансуб сут маҳсулотлари, жумладан, қуюлтирилган сут, музқаймоқ ва юмшоқ пишлоқ таркиби махсус лабораторияда хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказилди. Назорат учун олинган 20 та маҳсулотдан 13 таси меъёр талабларига жавоб бермади.

Назорат натижаларига кўра, корхоналар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда белгиланган талабларга риоя этмаслик билан боғлиқ бир қатор камчиликлар аниқланиб, илгари расмийлаштирилган 17 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш мuddатлари вақтинча тўхтатилган. Шунингдек, 36 та мувофиқлик сертификати бекор қилинган.

Тадбирда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни яна кучайтириш ва аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда хавфсизлигини таъминлаш бўйича келгусида амалга ошириладиган режалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Сабоҳат БОТИРОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Хабарингиз бор, республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўза парварарида юзага келган мураккаб вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳосилга ҳосил қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

Унга кўра, ўза парварарида юзага келган фавқулодда вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши тизимли ташкил қилиб, қафолатланган пахта ҳосилини яратиш мақсадида жорий йилнинг 5 сентябрга қадар республикамизда “Ўза парварарида зарбдор 40 кунлик” эълон қилинди.

Айни вақтда жойлардаги “Механизаторлар уйлари”га бириктирилган механизаторлар зарбдор 40 кунликда даладан бери келадиган йўқ. Ҳудудга бириктирилган масъуллар томонидан эса иш ҳар кунлик “топширқ-ҳисобот” тизими асосида самарали ташкил этилмоқда.

Бу борадаги ишлар қандай ташкил этилгани билан яқиндан танишиш мақсадида Бўқа



рисоладагидек жиҳозланган. Телевизор, музлаткичлар ишлаб турибди. Ювиниш жойлари ҳам бийонидек. Ошоналар саранжом, озода. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган, истаган овқатни тайёрлаш имкони бор.

Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси бошлиғи Сирожиддин Бобоқулов куйидагиларни гапириб берди:

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда**

– Ушбу қарорга мувофиқ, эндиликда ишсиз юрган фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун янада қўлай шарт-шароитлар яратилади. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самардорлигини оширишга доир “Йўл харитаси” тасдиқланди. Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси учун жорий йилда 150 миллиард сўм, келгуси йилдан бошлаб эса, 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратилиши белгиланди.

Корхона, ташкилотларга ушбу маблағлар ҳисобидан

олинган ишсизларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, турмушда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан ошмаган ҳажмда микрокредитлар ажратилиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, иссиқхоналар ташкил этиш, уруғчилик, қўчатлар, чорва моллари, паррандалар, қишлоқ ҳўжалиги ускуналари, суғориш мосламалари харид қилиш ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш фаолияти учун бундай сармоялар энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли

давр билан берилиши қайд этилди.

Қишлоқ туманларида, аҳоли сони 5 минг қишқидан кўп бўлган аҳоли пунктлари бундан мустасно, сартарошхона,

корлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлардан озод этилмоқда.

Қолаверса, айни шу йўналишдаги яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳар бир ходи-



буюртма бўйича қийим тикиш, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни, шунингдек, жамоат ҳаммомларини ташкил этган яқка тартибдаги тадбир-

мига тўланадиган қатъий белгиланган солиқ тўлови ундирилмайдиган бўлди. Агар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектларида 3 нафаргача

доимий ишчи меҳнат қилса, улар билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлади. Шунингдек, тадбиркор меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, болалари ва невараларининг эр-хотинларини, ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлди.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати ҳақида айтмасак бўлмайди. Гап шундаки, илгари кредитнинг гарови масаласида қийналиб юрган шижоатли, меҳнатсевар инсонларни учратганимизда, очиги, бу борада амалий ёрдам бера олмадик. Энди бу масалада ҳеч бир ташвиш қолмади. Ўз ишимни тўғри йўлга қўйиб, фаол тадбиркор бўлман, деган кишига ҳеч бир қийинчиликсиз фаолиятини бошлаб юбориши учун янги-янги имкониятлар, бир қатор имтиёзлар яратилмоқда. Бу, албатта, аҳоли турмуш даражасининг янада ортиб боришини таъминлашда жуда катта имкониятдир.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири Абдусалим МАҲМУДОВ
ёзиб олди

Имконият

“Ватанпарвар” ташкилоти бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама чиқиқтиришда, уларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда, оммавий касбларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Буни ташкилотнинг Бекобод туман кенгаши фаолияти мисолида ҳам аққол қўриш мумкин.

«МЕН ҲАРБИЙ ХИЗМАТТА ТАЙЁРМАН...»

– Мен ҳарбий хизматга батамом тайёрман, – дейди зафарлик Шерзод Файзиев. – Бу борада “Ватанпарвар” ташкилоти раҳбари Суҳроб Деҳқоновнинг маслаҳатларига амал қилганлигим фойдадан ҳоли бўлмади. Ҳайдовчилик касбини мукамал эгалладим, спортда чиққидим. Энди бемалол ҳарбий хизматга бориб, йигитлик бурчимни адо этиб келсам бўлади.

Туман ҳудудида жойлашган коллеж ва умумтаълим мактабларида, “Бўстон”, “Гулистон” ва “Истиқлол” маҳаллаларида “Миллий армиямиз – тинч ва оқойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир” мавзусида ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Бу борада Мудоффа бўлими, туман Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар яхши самара бермоқда.

Бошланғич ташкилотларда “Ватанпарвар” бурчаклари ташкил қилинган, уларда спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Ташкилотда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида 3 та тўғарак фаолият кўрсатади. Уларга 20 дан ортиқ ёшлар жалб этилган.

Кейинги пайтлар ташкилотнинг биноси ва ўқув хоналари таъмирланди, муассаса ҳудудида ободонлаштириш ва кўламли зорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда унинг тасаруфидига 10 га яқин ўқув масалалари ёрдамида ёшларнинг ҳайдовчилик кўникмалари оширилмоқда.

Ўқув хоналари видеопроектор, компьютерлар, замонавий авто тренажер, аудио-видео кузатув тизими, йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўргазмалар қўлланалар билан жиҳозланган.

Ашурли БОЙМУРОДОВ

Эълон

ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!
“Тошкент ҳақиқати” газетасининг 28.07.2018 йилдаги 60 (13113)-сонидан чоп этилган эълондаги, “ORZU MIRISHKON AGRO” фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон қишлоғи, Иттифоқ массиви ҳудуди бўйича 1,42 Га. ер майдони участкасида жойлашган 450 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари” – деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13-А-й. Тел.: (0599) 858-01-12, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.
Лицензия рақами RR 0285.

Ўз мухбиримиз

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

Голиб жамоаларга му-
собақа ташкилотчилари
ва ҳомийлари томонидан
диплом ҳамда эсдалик
совғалари топширилди.

М. ЛАТИПОВ

Латифжон МАНСУРОВ

Танлов якунида, туман ва шаҳарлардан ҳар бир ёш тоифаси бўйича жами 3 нафар энг kuchli, деб топилган китобхон вилот ёбсқичига йўлланма олди. Бундан ташқари, биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг туман, шаҳар кенгашлари томонидан планшет, замонавий уяли телефон ҳамда 20 донга ўзбек ва хажон адабиётининг нодир асарлари ўғламли

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Анвар НАМОЗОВ

Dais Buys®

Тошкент вилояти Мағбутов ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмудхўжаев
томонидан сақлланган.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Назоратчи мусаввиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланган.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОН
Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА